



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

8 (82) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (82)

2025

www.bsmi.uz
<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

август

Received: 20.07.2025, Accepted: 06.08.2025, Published: 10.08.2025

УҚҚ 611,651,018-053,18

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ҚИЗЛАРНИНГ ЭРТА ПОСНАТАЛ ДАВРИДА
БАЧАДОН НАЙИ ДЕВОРИ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИННИГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Bokaeva Feruza Maksudovna <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Алфраганус университети, Ўзбекистон, Шаҳар: Тошкент, туман: Юнусобод, кўч. Юқори Каракамиш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

Эрта постнатал даврда бачадон найи девори қаватларидағи такомил топшига, функционал ўзгаришиларга хос белгилар ва морфометрик кўрсатгичлар деярлик ўрганилмаган. Етилиб тугилган чақалоқлар бачадон найи деворининг ўзига хос морфологик тузилишини ўрганиши муҳим ҳисобланади. Тадқиқот объекти сифатида, тугилгандан кейин 1-7-кунлари асфиксиядан нобуд бўлган 14-та қизбола чақалоқлар бачадон наилари олинди.

Натижалар шуни кўрсатдики, янги тугилган чақалоқлар бачадон найи деворининг тузилиши ўзига хос мураккабликга эга ва хос морбофункционал белгилари мавжудлиги аниқланди. Бачадон найи девори умумий қалинлиги, шиллик ва шиллиқ ости, ҳамда мушак қаватлари ампула қисмидан бачадонга бирикган қисмига қараб қалинлашиб бориши тасдиқланди. Шиллик пардаси қопловчи эпителийси таркибида янги тугилган чақалоқларда ҳилтилловчи эпителийга нисбатан секретор турдаги хужайралар миқдори устун туриши кузатилди.

Калит сўзлар: чақалоқ, эрта постнатал давр, бачадон найи, онтогенез, морфология.

**ОСОБЕННОСТИ МОРФОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ СТЕНКИ МАТОЧНОЙ ТРУБКИ
В РАННЕМ ПОСТНАТАЛЬНОМ ПЕРИОДЕ У НОВОРОЖДЕННЫХ ДЕВОЧЕК**

Bokaeva Feruza Maksudovna <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Университет Альфраганус, Узбекистан, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Юқори Каракамыш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

Признаки и морфометрические показатели, характеризующие развитие и функциональные изменения слоев стенки маточной трубы в раннем постнатальном периоде, ранее не изучались. Изучение особенностей морфологического строения стенки маточной трубы у доношенных детей является актуальным. Объектом исследования послужили маточные трубы 14 девочек, погибших от асфиксии на 1-7-е сутки после рождения. Результаты исследования показали, что строение стенки маточной трубы у новорожденных отличается особой сложностью и имеет специфические морбофункциональные особенности. Подтверждено, что общая толщина стенки маточной трубы, слизистого и подслизистого, а также мышечного слоев увеличивается от ампулярного отдела к месту соединения с маткой. В составе эпителия, покрывающего слизистую оболочку, у новорожденных отмечено преобладание секреторных клеток над плоским эпителием.

Ключевые слова: младенец, ранний постнатальный период, маточная труба, онтогенез, морфология.

**CHARACTERISTICS OF THE MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF THE FALLING TUBE
WALL IN THE EARLY POSTNATAL PERIOD OF NEWBORN GIRLS**

Bokaeva Feruza Maksudovna <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Alfraganus University, Uzbekistan, City: Tashkent, district: Yunusobod, street. Yuqori Karakamysh, 2A <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ *Resume*

The signs and morphometric indicators characteristic of the development and functional changes in the layers of the fallopian tube wall in the early postnatal period have not been studied. It is important to study the specific morphological structure of the fallopian tube wall in full-term infants. The object of the study was the fallopian tubes of 14 female infants who died from asphyxia on the 1st-7th day after birth.

The results showed that the structure of the fallopian tube wall of newborn infants has a unique complexity and has specific morphofunctional features. It was confirmed that the total thickness of the fallopian tube wall, mucous and submucous, and muscular layers thicken from the ampullary part to the part where it joins the uterus. In the composition of the epithelium covering the mucous membrane, a predominance of secretory cells over squamous epithelium was observed in newborn infants.

Keywords: infant, early postnatal period, fallopian tube, ontogenesis, morphology.

Мавзунинг долзарблиги

Гистология ва гинекология фанларида жинсий тизим аъзоларининг эмбрионал даврда шакланиши ва такомил топиши муҳим долзарб муаммо ҳисобланади. Бачадон найларининг онтогенезда гистотопографик ўзига хос такомил топиши ўзгача қизиқиши ўйғотади (1,2,3). Бачадон найи ёки фаллопий найлари эмбрионал даврда мюллэр протокларидан пайдо бўлади (4,5). Бу найлар эмбриогенезнинг бу ҳафтасида ўрнатилиб бошлайди ва мезонефрал протокнинг краинал учи эпителийсининг инвагинацияланишидан бошланади. Адабиёт маълумотлари бўйича ҳомила даврида бачадон найи деворининг қалинлиги ампуласидан бачадон қисмига қарад қалинлашиб боради. Бачадон найи девори қалинлигининг асосий қисмини мушак қавати ташкил қиласди. Бунда, айланна мушак қалинлиги бўйлама мушак қалинлигидан устун туради. Ҳомилада бачадон найи шиллиқ пардаси бачадонга яқин қисмida қалин, ампуласида юпқа (1,2,6,7). Аёлларнинг репродуктив ёшида бачадон найи мушак қаватининг қалинлиги бачадонга яқин қисмida йўғон, бошқа соҳаларида юпқароқ бўлади, бунда циркуляр мушак толалари сфинктер вазифасини бажаради (8). Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, аёллар ёши ўтган сари бачадон найи деворида инвалютив ўзгаришлар, яъни склероз, атрофия ва гипертрофия жараёнлари ривожланади. Бу жараёнлар кўпинча шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларида ўсмирилик даврда кузатилади.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда эрта постнатал даврда бачадон найи бевори қаватларидаги такомил топишга, функционал ўзгаришларга хос белгилар ва морфометрик кўрсатгичлар деярлик йўқ ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Етилиб туғилган чақалоқлар бачадон найи деворининг ўзига хос морфологик тузилишини ўрганиш.


Тадқиқот материали ва усуслари

Тадқиқот обьекти сифатида туғилгандан кейин 1-7 кунлари асфиксиядан нобуд бўлган 14-та қизбola чақалоқлар бачадон найлари олинди. Морфологик текшириш учун бачадон найининг барча 4-та қисмидан: воронка, ампула, истмик ва бачадон қисмидан бўлаклар олинди. Тўқима бўлаклари 10% нейтралланган формалин эритмасида 72 соат қотирилди. Очар сувда 4 соат ювилгандан кейин, концентрацияси 70°дан 100°гача ошиб борган спиртларда сувсизлантирилди. Кейин бўлакчаларга парафин қуилиб, ғишчалар тайёрланди ва улардан 4-5 мкм қалинликда гистологик кесмалар тайёрланди. Гистологик кесмалар парафини кетгазилиб, гематоксилин ва эозинда бўялди. Препаратлар бинокуляр ёруғлик микроскопида кўрилиб, ўрганилиб, керакли жойлари расмга олинди.


Тадқиқот натижага таҳлиллари

Аввалимбор қуидагини таъкидлаш керакки, янги туғилган чақалоқлар организми жинсий аъзолар, яъни бачадон найи тўқима тузилмаларига онанинг жинсий гормонлари, жумладан эстроген таъсир кўрсатиб, морфологик холатини ўзгартирганлиги кузатилди. Бачадон найи шиллиқ пардасининг айрим жойларида бўйлама жойлашган бурмалар борлиги, найнинг ампула қисмida бурмалар кўплиги уларнинг пайдо бўлишида шиллиқ ости қавати таркибидаги

бириктирувчи тұқима ва силлиқ мушак хужайралари мавжудлиги ва уларнинг қисқаришидан пайдо бўлганлиги аниқланади.



1-расм. Чақалоқнинг 3 кунлик даври, бачадон найи ампулақисми, бўшлиғи кенг, сўргичлари узун, мушак қавати юпқа. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.



2-расм. Чақалоқнинг 7 кунлик даври. Найнинг бачадонга туташган кисми, ички бўшлиғи бироз кенгайган, сўргичлари тармоқланган, мушак қавати тутамларга ажралган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.

Шиллик ости қаватидаги шаклланмаган бириктирувчи тұқима таркибіда юпқа деворли қон томирлар, бетартиб жойлашган аргирофил толалар, сийрак ўрин эгаллаган бириктирувчи тұқима хужайралари ва уларнинг орасида, аксарият ҳолларда қон томирларга яқин жойларда лимфоид хужайралар ва семиз хужайралар жойлашганлиги аниқланади. Шиллик парданинг хусусий пластинкасидаги бириктирувчи тұқима хужайралари ўзига хос фибробласт ва гистиобластлардан иборат, уларнинг вазифаси тухум хужайра уругланғандан кейин децидуал хужайраларга айланиб, бачадон найи бўшлиғидаги бластулага озиқа ишлаб чиқариш хисобланади. Қон томирлари асосан майда артериола, венула ва капиллярлардан ташкил топғанлиги, венулалар деворида лимфоид хужайраларнинг миграцияланыётганилиги кузатилади.

Чақалоқлар бачадон найи шиллик пардаси юзаси бир қаватли призматик шаклли эпителий билан қопланғанлиги, улар орасида уч хил эпителий хужайралари мавжудлиги аниқланади (5). Биринчиси – ташқи юзаси түкли эпителий, улар тухум хужайрани бачадон бўшлиғига қараб харакатлантиради. Иккинчиси – секрет ишлаб чиқарувчи эпителий, улар ишлаб чиқазадиган шилимшикли суюқлик, эпителий юзасини намлаб тураси, ооцитни озиқлантиради ва түкли хужайралар тукини харакатланишини таминлади. Учинчиси – оралиқ тузилишга эга бўлган илмоқсимон эпителий хисобланади. Бу эпителий хужайраларининг ядроси нозик гиперхром тузилишга эга, цитоплазмаси юпқа ва эозин билан нисбатан оч бўялади. Биринчи ва иккинчи типдаги қопловчи эпителийларнинг ядроси нисбатан йирик, хужайранинг базал кисмida жойлашган, хроматини тўқ бўялган, кариоплазмасида битта ёки иккита ядроча аниқланади. Бачадон найи шиллик пардаси қопловчи эпителийси таркибіда янги туғилган чақалоқларда ҳилпилловчи эпителийга нисбатан секретор ва оралиқ турдаги хужайралар микдори устун туриши кузатилди (2,7). Қопловчи эпителий таркибидаги түкли ҳилпилловчи эпителий жойлашган соҳалар нисбатан юпқа, уларнинг цитоплазмаси эозин билан очроқ бўялган. Секретор эпителий ўлчамлари нисбатан катта бўлганлигидан, шиллик парда юзасидан бўртиб чиққан кўринишда жойлашган, уларнинг цитоплазмаси эозин билан тўқроқ бўялган.

Бачадон найи девори мушак қавати микроскопик жиҳатдан ўрганилганда шу ҳолат аниқландиди, найнинг ампула кисмida мушак қават нисбатан юпқа, мушак толалари титилган ва тармоқланган кўринишда, бурмалар пайдо бўлган соҳаларида кисгарган ҳолатдалиги аниқланади. Найнинг ампуласидан ўрта кисмiga боришида мушак қавати қалинлашиб, тармоқлангани йиғилиб, йўғинроқ тутамлар пайдо қилганлиги кузатилади. Бачадонга яқин

туташган соҳасида мушак қават олдинги қисмларга нисбатан икки баробар қалинлашганлиги, тутамлари йўғонлашганлиги топилди.

Хулоса

Янги туғилган чақалоқлар бачадон найи деворининг тузилиши ўзига хос мураккабликга эга ва хос морфофункционал белгилари мавжудлиги аниқланди.

Бачадон найи девори умумий қалинлиги, шиллик ва шиллик ости, ҳамда мушак қаватлари ампула қисмидан бачадонга бирикган қисмига қараб қалинлашиб бориши тасдиқланди.

Бачадон найи шиллик пардаси қопловчи эпителийси таркибида янги туғилган чақалоқларда ҳилпилловчи эпителийга нисбатан секретор турдаги хужайралар миқдори устун туриши кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахтемійчук Ю.Т. Топографоанатомическая характеристика маточных труб у плодов в период онтогенеза / Ю.Т. Ахтемійчук, Т.В. П'ятницька // Клін. анатомія та опер. Хірургія. 2010;9(3):82-85.
2. Ахтемійчук Ю.Т. Гистотопография маточных труб у плодов / Ю.Т. Ахтемійчук, Т.В. П'ятницька // Клін. анатомія та опер. Хірургія. 2010;9(4):50-54.
3. Козуб М.М. Розвиток і становлення мезонефричних та парамезонефричних проток в ранньому онтогенезі людини / М.М. Козуб, В.В. Кривецький // Бук. мед. вісник. 2001;5(1):88-90.
4. Мавров Г.И. Гистопатология маточных труб у больных с хламидиейной инфекцией / Г.И. Мавров, Т.А. Мальцев // Ж. АМН України. 2003;9(1):185-193.
5. Резвяков П.Н. Фенотип гладкомышечных клеток репродуктивной системы плода человека женского пола в эмбриогенезе / П.Н. Резвяков // Морфологические ведомости. 2004;1:2-86.
6. Силина Т.Н. Морфологические параметры маточных труб в возрастном аспекте / Т.Н. Силина // Укр. мед. альм. 2004;7(3):114-115.
7. Kamaci M. Observation of isthmic epithelial cells from fallopian tubes at follicular phase by light and scanning electron microscope / M. Kamaci, Z. Suludere, K. Irmak, C. Can, H. Bayan // Eastern Journal of Medicine. 1999;4(2):51-53.
8. Бақоева Ф. Морфометрические показатели структурных единиц маточных труб у девочек в постнатальном периоде // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). 2024;1(2):17-22.
9. Maksudovna B. F. Морфометрические показатели структурных единиц маточных трубу девочек в постнатальном периоде // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. 2024;4(12):236-241.

Қабул қилинган сана 20.07.2025